

91(069)
K90




БОКУ

Э. КУЛИБЕКОВ

91/069)

91(069)

К90



188027

БОКУ

«УЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ
Тошкент — 1965

ОПИСАНО

Фундаментальная
БИБЛИОТЕКА
ТашХИ

Кулибеков Э.
Боку. Т., «Ўзбекистон», 1965.
56 бет, расм. Тиражи 3000.

Кулибеков Э. Баку.

ШАҲАР ТАРИХИДАН

Боку Озарбайжон ССР пойтахти бўлиб, Совет Иттифоқининг энг йирик саноат ва маданият марказларидан биридир. У Каспий денгизининг ғарбий соҳилидаги Апшерон ярим оролининг жанубий қисмида.

Боку — Озарбайжоннинг энг қадимий шаҳарларидан бўлиб, йилномаларда VIII—IX асрлардаёқ тилга олинган, археологик тадқиқотлар ва қадим замон авторларидан қолган маълумотларга кўра, шаҳар территориясида ва унинг теварак-атрофида бундан қарийб икки минг йил бурун ҳам аҳоли яшаган.

Боку шаҳри бир минг йилдан ортиқроқ тарихга эга. Ер тагидан чиқиб турган ёнувчи нефть газларидан иборат «абადий» олов ва Бокунинг «қора» нефтигина эмас, балки «оқ» нефти ҳам азалдан маълум, булар X асрда араб олимларининг жуғрофий асарларида, шунингдек ундан кейинги асрларда яшаган кўпгина сайёҳларнинг йўл хотираномаларида тилга олинган.

Жуда қадим замонларда, Боку нотинч Каспий денгизининг жазирама соҳилида ҳарсанг тошлардан қурилган кичик қалъа эди. Шид-


датли шамол бу қалъа томонга доимо эсиб турганлигидан, одамлар уни «Шамоллар шаҳри» деб атаган.

Бокудан сал нарироқдаги ялангликда ва тепаликларнинг ён бағрида қорайиб ётган кўлоблар бўларди. Улардаги мойсимон қора суюқлиқнинг ажойиб хусусияти бор эди — у ёнарди! Шу сабабдан Бокуни Мангу Оловлар шаҳри деб атаганлар. Боку нефтини ва ундаги «сўнмас оловлар» ни Марко Поло ҳам тилга олган. Кишилар нефтдан фойдалана бошлайди. Боку еридаги битмас-туганмас нефть конлари бутун дунё халқининг диққат марказида бўлади. Боку яна бир ном — «Қора олтин шаҳри» номи билан атала бошлайди.

Озарбайжон кўп асрлар мобайнида чет эллик босқинчиларга қарши кураш майдони, шунингдек маҳаллий бир-бири билан доимо адоватлашиб юрувчи феодалларнинг ўзаро тўқнашув майдони бўлиб келди. Кейинги манбаларда Бокунинг тўлароқ тасвири берилган. Урта асрдаги Озарбайжон меъморчилигининг ҳозиргача сақланиб қолган кўп сонли намуналарида, чунончи: «Гиз гала», Қалъа деворлари (XII аср) ва Ширвоншоҳлар саройи (XV аср) намуналарида шаҳар тарихи изларини кўрасиз.

Феодаллар Бокуси XV асрда Каспийдаги муҳим порт шаҳрига айланади.

Эски шаҳар — Қалъадаги Ширвоншоҳлар саройи ажойиб архитектура ансамблидир. Бу ерда ҳаммом, масжид бинолари, Ҳиндистон, Бухоро, Афғонистондан келган савдогарлар қўнадиган карвон саройларнинг бинолари ва



Боку. Низомий номидаги сквер.

ҳоказолар сақланиб қолган. Бу бинолар шаҳарнинг гавжум ҳаётидан ва кўпгина Шарқ ва Ғарбий мамлакатлар билан савдо-сотик қилиб турганлигидан дарак беради.

Чет эллик босқинчиларнинг тез-тез ҳужум қилиши ва маҳаллий феодалларнинг низо-жанжаллари мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини тўхтатиб қўйди. Озарбайжоннинг анча тараққий этган Россияга қўшилиши Озарбайжон халқининг бирдан-бир нажот йўли ҳисобланади.

XV асрда Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатилиб, савдо-сотиқ алоқалари кенгайтирилади. Озарбайжонга Россия элчиси билан биргаликда машҳур рус сайёҳи Афанасий Никитин келади. Унинг машҳур «Уч денгиз орқали саёҳат»и ана шу ердан бошланади.

Озарбайжоннинг Россияга қўшилган хонликларидан бири Боку хонлигидир (1806 й.). Озарбайжоннинг Россия составига кириши унинг экономикаси ва маданиятини янада тараққий қилдиришда гоят катта роль ўйнаган муҳим воқеа бўлди.

XVII—XVIII асрларда Эрон билан Туркиянинг вайроналик келтирган урушлари ва феодалларнинг ўзаро низолари натижасида озарбайжон халқи жуда қаттиқ жафо чекди. Боку бир неча марта қўлдан-қўлга ўтди.

1723 йилда Боку гаванида Пётр I нинг эскадраси пайдо бўлди. 1813 йилги Гулистон шартномасига кўра, Озарбайжон батамом Россия составига кирди. Ф. Энгельс К. Марксга юборган мактубида: «Россия Шарққа нисбатан чинакаминга прогрессив роль ўйнамоқда» деб ёзган эди.

XIX асрнинг ўттинчи йилларида Бокуда нефть ҳайдаш юзасидан дунёда биринчи марта тажриба ўтказилди, 1848 йилда эса рус техниги Ф. Семёновнинг таклифи билан Бокунинг Бибиайбат конларида биринчи нефть қудуғи қазилди.

Боку нефть саноатининг жуда тез ривожланаётганлиги ҳақида В. И. Ленин: «Боку губернасида деярли ҳамма нефть қазиб чиқарилмоқда, бинобарин, Боку гоят кичик шаҳар»

чадан Россияда 112 минг аҳолиси бўлган биринчи даражали саноат марказига айланди» деб ёзган эди.

Боку шаҳри Умумроссиянинг иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлига тортилиб, савдо, кейинчалик эса саноат маркази сифатида ҳам тез ўсиб борди. XX аср бошларида у жаҳон аҳамиятига эга бўлган шаҳарга айланиб, нефть қазиб чиқаришда дунёда биринчи ўринга чиқиб олади.

Нефть саноати ривожланиши билан бирга шаҳарнинг ўзи ҳам ўсди. Агар XVIII асрда Бокуда энг кўпи 500 хонадон бўлиб, жами 3 минг аҳоли яшаган бўлса, Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилган пайтга келиб шаҳар аҳолиси қарийб 240 мингга етди. Шаҳар қадимги Қалъа деворларидан ташқарига чиқди, кенгайди. Бироқ аҳоли элементар қулайликлардан — сув, транспорт ва шу кабилардан маҳрум эди. Нефть саноатчилари ва савдогарлар яшаматли биноларда, данғиллама уйларда яшар, меҳнаткаш аҳоли эса шаҳар четидаги хароба кулбаларда кун кечирарди.

Бокунинг революциядан олдинги аҳволини кўрган М. Горький унинг нефть конларини «Мудҳиш дўзахнинг усталик билан солинган суратига», ишчиларнинг турар жойларини эса одамато замонидаги кулбаларга ўхшатади.

Боку пролетариатининг ўзига хос хусусияти унинг кўп миллатли бўлиши. Боку пролетариатининг асосий миллий гуруҳларини озарбайжонлар, руслар, арманлар, доғистонликлар, грузинлар ташкил қилар эди. Россия ишчилар

синфининг таркибий қисми ҳисобланган Боку пролетариати капиталистик асоратга қарши курашиб, чоризм билан жуда қаттиқ олишди.

1896—1897 йилларда Бокуда дастлабки социал-демократик тўғараклар вужудга келди, 1901 йилда эса ленинчи-искрачи Боку комитети — Боку пролетариатининг курашига бошчилик қилган биринчи жанговар революцион ташкилот тузилди. Уша йили Бокуда «Нина» номли яширин босмахона ташкил бўлади. Бу босмахона мамлакатимиздаги революцион ҳаракат тарихида муҳим роль ўйнади. Бу ерда ленинчи «Искра», «Брдзола» газеталари ва бошқа кўпгина революцион адабиётлар босилар эди.

Россияда революцион ҳаракат юксала бошлагач кўп миллатли Боку пролетариати унинг биринчи сафида борди. 1903 йилда у бутун Закавказьега ёйилган ва Россиянинг жанубига ўтиб кирган умумий иш ташлашнинг ташаббускори бўлди, 1905—1907 йиллардаги рус революцияси даврида эса Боку уюшган революцион чиқишларнинг энг йирик марказларидан бирига айланди. Реакция даврида В. И. Ленин Боку ишчиларини «оммавий сиёсий стачканинг сўнгги могиқанлари» деб атаган эди.

XX аср бошларида Боку озарбайжон халқининг прогрессив тараққиёт маркази бўлиб қолди. Озарбайжон демократик адабиёти прогрессив кучлар қўлидаги қудратли қуролга айланди. У ўрта асрчилик сарқитларига, эксплуатацияга қарши, буржуа миллатчилиги ва диний хурофотларга баралла қарши чиқди.

Ёзувчилардан Сулаймон Соний Охундов, Абдурахим Ахвердиев, революцион сатирик Мирза Алекпер Собир, «Мулла Насриддин» номли адабий-сатирик ва ижтимоий - сиёсий журнал ношири, революцион демократ Жалил Мамадқулизода ва бошқа кўпгина кишилар демократик адабиётнинг атоқли намояндалари эдилар. Халқнинг шонли фарзандлари Ҳасанбек Маликов (Зардобий) ва Наримон Наримонов



Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Наримон Наримонов.

демократик маданиятнинг ривожлантиришда ва қарор топишида катта роль ўйнадилар.

Озарбайжон театри демократик йўлдан ривожланди. Унинг янги спектакллари, Ж. Зайналовнинг чиқишлари, Ҳусайн Араблинский, М. А. Алиев, Г. К. Сарабский, Сидги Рухулла ва бошқа истеъдодли актёрларнинг муваффақиятли дебютлари кенг омма орасида театрнинг обрўсини жуда ошириб юборди. Республиканинг атоқли композитори, миллий опера санъатининг асосчиси Узнер Гажибеков ўз фаолиятини революциядан бурун бошлаган эди.

Ошхоналар (марказда)

- № 2 — Мясников кўчаси, 12
- № 3 — Малигин кўчаси, 2
- № 5 — Нефтчилар проспекти (Хукумат уйи)
- № 6 — 28 апрель кўчаси, 6
- № 4 — Шаумян кўчаси, 58
- № 15 — Шаумян кўчаси, 33
- № 21 — Қорганов кўчаси, 11

Кафе

- «Автомат» — Г. Гажибеков кўчаси, 42
- «Апшерон» — Низомий кўчаси, 37
- «Весна» — Зевин кўчаси, 11
- «Интурист» — Нефтчилар проспекти, 63
- «Жайрон» — Наримонов проспекти, 528-қўртал
- «Матери и ребенка» — Қорганов кўчаси, 1
- «Приморское» — Нефтчилар проспекти, 81
- «Наргиз» — Қоломцев кўчаси
- «Жемчужина» — Приморский парки

Кинотеатрлар

- «Озарбайжон» — Жапаридзе кўчаси, 9
- «Араз» — Азизбеков кўчаси, 3
- «Вэтэн» — Низомий кўчаси, 9
- «28 апрель» — Басти Багирова кўчаси, 16
- «Дружба» — Ленин проспекти, 650-қўртал
- «Зелений» — Скрайкин кўчаси
- «Низомий» — Киров проспекти, 20
- «Жаъфар Чаборли» — Наримонов проспекти, 506—512 қўртал
- «Шафағ» — Ленин проспекти, 49
- «Бағар» — Денгиз бўйи парки

Стадионлар

- Ленин комсомоллари номли стадион — Разин посёлкаси
- В. И. Ленин номли республика стадиони — 8-Завокзаль-ная, 20.
- Спорт ўйинлари Марказий стадиони — Нефтчилар про-спекти, 26

- ДСО «Динамо» стадиони — Шаумян кўчаси, 32.
- Қараев номли завод стадиони — ишчилар проспекти, 25
- «Спартак» стадиони — Тбилиси проспекти
- АСК стадиони — Нагорное плато телецентрнинг орқа-сида
- Боку ипподроми — 16-Нагорная, 909-қўртал

Сузиш бассейнлари

- ДСО «Нефтянник» қишки бассейни — Ишчилар про-спекти, 25
- ДСО «Локомотив» бассейни — Қодирбекова кўчаси
- Сузиш бассейни — С. Вурғун кўчаси, 94
- АСК бассейни — АСК стадиони ичида

Спорт клублари

- ДОСААФ автомо клуби — Қизил Аскер кўчаси, 5
- Боку авиаспорт клуби — Ҳагани кўчаси, 14/16
- Боку спорт мерганлиги клуби — Бўйнакская, 2
- От спорт клуби — 16-Нагорная, 909-қўртал (Иппод-ром)
- Шахмат клуби — Приморский бульвари
- Туристар Уйи — Ишчилар проспекти, Низомий парки

Справкалар

- | | | |
|--|-------------------|----------------|
| Пассажир | темир йўл вокзали | — тел. 35—3—02 |
| | | — » 3—07—09 |
| | | — » 3—08—68 |
| Денгиз вокзали | | — » 3—14—61 |
| Аэрофлот | | — » 3—40—04 |
| | | — » 7—37—81 |
| Автовокзал | | — » 09 |
| Справкалар бюроси | | — » 07 |
| Шаҳарлараро телефон станцияси | | — » 6—42—82 |
| | | — » 8—21—40 |
| Топилган буюмлар справка бўлими | | — » 3—77—16 |
| Боку шаҳар справка бюроси | | — » 3—47—64 |
| | | — » 3—46—56 |
| Поезд билетлари заказ қилиш кассаси | | — » 3—19—49 |
| | | — » 3—19—49 |
| Қвартира телефонидан телеграммалар юбориш бюроси | | — » 06 |
| | | — » 3—82—08 |
| | | — » 3—51—90 |

Яхши хизмат кўрсатиш бюроси

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Шаҳар тарихидан | 3 |
| Қадимги архитектура ёдгорликлари | 15 |
| Тарихий революцион жойлар | 18 |
| Саноати | 24 |
| Қишилар ва воқеалар | 28 |
| Илмий ва маданий-оқартув муассасалари | 39 |
| Музей ва театрлар | 44 |
| Справкалар | 54 |

На узбекском языке

Эдхам Кулибеков

БАКУ

Издательство «Узбекистан» — Ташкент — 1965

Таржимон *В. Валиев*
Редактор *И. Аҳроров*
Рисом *К. Назаров*
Бадний редактор *М. Гумаров*
Техредактор *Т. Аббасов*
Корректор *А. Хусанова*

Теринга берилди 4/VI-1965. Боснига рухсат этилди 23/IX-1965
Формати 70×90¹/₃₂. Бос. л. 1,75. Шартли бос. л. 2,04.
Нашр. л. 2,05

«Узбекистон» нашриёти Тошкент, Навоий, 30. Шартнома
№ 606—64. Тиражи 3000. Р. 10152.

УзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг
2-босмаҳонаси. Янгийўл, Чехов кўчаси, 3. Заказ № 95.
Баҳоси 7 т.